



МАДАНИЯТ

№13 (148) 1.04.2021 йил

Театр томошалари ҳафталиги

Президентимиз қарори асосида ЮНЕСКО томонидан таъсис этилган 27 март –Халқаро театр кунини кенг нишонлаш мақсадида мамлакатимизда 21 – 27 март кунлари “Театр томошалари” ҳафталиги эълон қилинган эди. Бу сана Ўзбекистондаги мавжуд 37 та профессионал театр ва бошқа маданият ташкилотларида кўтаринкилик билан нишонланди.

Юксак парвоз ва куч-қувват манбаи



Санъатсевар халқимиз алломаларимиз таърифи билан айтганда, ўзига хос ибратхоналарга бажонидил бориб, томошаларни мароқ билан кузатишди, сеvimли актёр ва актрисалари билан учрашиб, дилдан суҳбатлашишди. Миллий театр соҳасида эришилган ютуқлар, янгиликлардан баҳраманд бўлишиб, сахна усталарининг энг сара спектаклларини томоша қилишди.

Бу томошалардан завқу шавққа тўлган, маънан улғайиб, маданият нуридан янада жозоба касб этган театр санъати ихлосмандлари санъаткорларимизнинг чиқишларини узоқ олқишладилар...

Кўз очиб юмгунча ўтиб кетган ҳафталик таассуротлари эса бир олам... Самарқанд шаҳридаги Нурафшон маданият марка-

зида ҳафталикнинг ёпилиш маросими ўтказилди. Унда Бош вазир ўринбосари Бекзод Мусаев, Самарқанд вилоят ҳокими Э.Турдимов ҳамда республикамиздаги давлат театрларининг раҳбарлари, Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиев, Хайрулла Саъдиев, Убайдулла Омон, Саида Раметова каби устоз санъаткорлар, ёш актёр ва актрисалар иштирок этишди.

Улар сана муносабати билан давлатимиз раҳбари йўлаган табрикни мамнуният билан қабул қилишар экан, бундан кейин ҳам соҳа ривожини учун астойдил хизмат қилишларини билдиришди.

Тантанали маросим давомида театр санъати ривожига ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ фидойиларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Халқимизга манзур бўладиган тадбирларнинг юксак савияда ўтказилишига бош-қош бўлган Самарқанд вилояти ҳокими Аркинжон Турдимов ҳам Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев ва вазирлик томонидан “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда

Президент табригидан қувониб...

3-саҳифада

Алла айтган етар муродга

4-саҳифада



Мунгли муҳаббат тарихи


5-саҳифада



“Даштаки Боло” тарихи

6-саҳифада

Давр талаби



ГЕНДЕР ТЕНГЛИК – ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш борасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.



ГЕНДЕР ТУШУНЧАСИ НИМА?

Аввало, гендер тушунчасига изоҳ бериб ўтамиз. “Гендер” тушунчасининг лугавий маъноси лотинча “genus”, яъни “жинс” маъносини англатади. Агар биологик жинс инсонларни аёл ва эркекларга ажратадиган бўлса, гендер – бу аёл ва эркекларнинг жамиятдаги ўрнини ажратишга қаратилган.

Жамиятда аёл ва эркекларнинг ўз ўрнини топиши ҳамда белгилаши учун давлатнинг уларга бир хил шароит ва имконият яратиб бериши гендер тенгликни таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврида барқарор ривожланиш соҳасидаги 5 – мақсад – “Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” дир. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни қамраб олади. Ушбу вазифаларни бажариш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалари, шунингдек, давлат аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари масъул этиб белгиланган.

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад

ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида миллий қонунчилигимизда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, жорий йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 562-сонли қонун қабул қилинди. Миллий қонунда ҳам “гендер” тушунчасига таъриф берилди. Унга кўра, гендер – хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаоли-

ятининг барча соҳаларида, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳат ҳисобланади. Хотин-қизлар ва эркекларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатини таъминлашнинг асосий тамойиллари сифатида мазкур қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, қонунийлик, демократизм, хотин-қизлар ва эркекларга тенг ҳуқуқлик, жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик, очкилик ва шаффофлик кабилар белгиланди.

Давоми 5-саҳифада

Донорлар сузлайди...

Санъат қурбонлар талаб қилади, ammo қурбонлар ҳамма вақт ҳам спектаклга келавермайди.
Виктор Томилов

Тилнинг гариблиги — тафаккурнинг қаш-шоқлигидан.
Тилинг бўлмаса, гапириб нима қиласан?
Ғайбуллоҳ ас-Салом

Шароит қанча ёмон бўлса, ҳаракатни шунча кучайтир.
Яқинларинг ҳаёти ширин бўлишига ҳисса қўш.
Лев Толстой

Кону ва ижро

Муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш вақти келди



Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги «Маданият, санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган топшириқ асосида Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини химоя қилиш Палатаси ташкил этилган эди.

Айни пайтда Палатада иш қизгин тус олмақда. Амалий жараёнлар бошланди. Ўзининг муаллифлик ҳуқуқларини бошқа биров-

лар томонидан бузилмаслигини, ижодий мулк эгаларининг руҳсатисиз ўз ижод намуналаридан фойдаланмаслик, ноқонуний ўзлаштирмаслик тарафдорлари бўлиб келган ҳуқуқ эгалари билан шартномалар тузиш бошланди.

Палата ва ижодий мулк ҳуқуқига эга ижрочи, санъаткор, ижодкорлар ўртасида имзоланган шартнома орқали уларнинг муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиниб, ҳуқуқ эгаларига ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилиш амалга оширилади.

27 март – Халқаро театр куни

Юртбошимизнинг 27 март – Халқаро театр куни байрами муносабати билан барча театр ходимларига йўланган табриги Хоразм вилояти мусиқали драма театри жамоаси томонидан ҳам катта хурсандчилик билан қарши олинди. Барчамизга кўтаринки кайфият улашди.

Президент табригидан қувониб...

Давлатимиз раҳбарияти томонидан театрларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ва ҳақон талабларига тўла жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз 2017 йилнинг 15 октяб-рида Хоразм вилояти мусиқали драма театрига ташриф буюриб, бу ердаги таъмирлаш ишлари билан танишди ва театр директори Д.Ибрагимова билан ушбу санъат турини янада ривожлантириш борасида суҳбатлашди. Бундан руҳланган театримиз жамоаси кейинги йилларда ижодий шижоат билан ишлаб, кўпгина ютуқларга эришди. Жумладан, ижодий жамоа янги спектакллари билан халқаро фестиваллар, гастрол сафарлари, "Дебют", "Сени куйлаймиз замондош" республика театрлари кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, муносиб тақдирландилар.

Айниқса, театр директори томонидан ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ижод қилишларига шарт-шароитлар яратиб берилди. Натигада театрнинг ижодий труппаси томонидан ижодий жараён янада жонланиб, саҳнада ёшлар тарихий, миллий, замон қаҳрамонлари қиёфаларида гавдалана бошлади. Театр саҳнасида "Султон Жалолиддин", "Сўйла Жайхун", "Хоразм афсонаси", "Огаҳий", "Махтумқули" каби тарихий спектакллар саҳналаштирилди.

Театр ижодий жамоаси 2019 йилда "Ошиқ Ғариб ва Шохсанам" мусиқали драмаси билан Қозоғистон Республикасида, "Султон Жалолиддин" тарихий саҳна асари билан Туркия давлатида ўтказилган Халқаро те-



атрлар фестивалида муваффақиятли иштирок этишди. Шу йили Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган "Сени куйлаймиз, замондош" Республика театрлари кўрик-фестивалида "Богбон" драмаси қатнашишди.

Жорий йилнинг 27 март куни Маданият вазири томонидан Самарқанд вилояти

мусиқали драма театрида 27 март – Халқаро театр куни касб байрамига бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди.

Унда 21 – 27 март Театр ҳафталиги кунлари доирасида намойиш этилган театримиз кўргазмаси ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди ва голиб деб топилди. Шунингдек, Маданият вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган "Энг яхши кўргазма" учун Диплом билан тақдирланди. Театримиз фидойилари ҳам Маданият вазири хамда театр раҳбарияти томонидан "Диплом" ва "Фахрий ёрлик", "Ташаккурнома"лар билан рағбатлантириб келинмоқда.

Театр спектакллари томошабинлар эътибори, эътирофи ва олқишларига сазовор бўлиб келмоқда.

Театр саҳнаси – ҳаёт кўзгуси. Демакки, саҳнага олиб чиқилган ҳар бир асари воқеаси шу давр ва замоннинг ҳаётий аксидир.

Бугунги кунда олдимизга қўйилган ўзбек халқининг томоша санъатини янада ривожлантириш, омаллаштириш каби вазифаларни амалга ошириш театримизнинг олий мақсадлари сирасига киради. Томошабиннинг спектаклдан маданий ва маънавий ҳордиқ чиқариши, ўзига керакли хулосани олишида уларнинг кайфиятини кўтариб, шодлик бахш этиш – бу театр жамоасининг асосий бурчидир.

Гулнора ҚУРБОНОВА,
Хоразм вилояти мусиқали драма театрининг адабий бўлим мудири

Ислохотлар йўлида

Ёшларга эътибор — келажакка пойдевор

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилди. Айниқса, юртбошимизнинг "Биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етуқ, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз" деган сўзлари бутуннинг ёшларини катта ишонч билан меҳнат қилишга ундайди.

Фарғона тумани 26-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам ёшларга билдирилган бу каби ишонч оқлаш йўлида қатор ишлар олиб борилиб, олдинга бир қанча мақсадлар қўйилган. Ҳукуматчилар эса ўзларига яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар-



дан самарали фойдаланиб, тинмай меҳнат қилишмоқда, изланишмоқда.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида мактабда фаолият юритаётган ёш ижодкор ўқитувчилардан Гўзалхон Нишонованинг 2 нафар ўқувчилари Одинахон Абдулҳафизова ҳамда Аъзамхон Аҳмадовлар "Фортепиано", Салимахон Нурматованинг ўқувчиси Гуласал Икромова "Анъанавий чолгу ижрочилиги" йўналишлари бўйича, Ойдиной Сидикованинг ўқувчиси Маржонахон Махаматова Москва шаҳрида ўтказилган "Россия истеъдодлари" Халқаро танловида онлайн иштирок этиб, фахри 1- ва 2-ўринларни кўлга киритишди.

Бундан ташқари, мусиқий-назарий фанлар ўқитувчилари Фотимахон Ҳасанбоева ва Зухраҳон Убайдуллаевалар болалар мусиқа

ва санъат мактабларида "Оддий интерваллар" мавзусидаги "Ижодкор ўқитувчи" республика илмий-услубий журналида ўз илмий ишлари билан фаол иштирок этганлиги учун сертификат ва диплом билан тақдирланишди.

Ҳозирги кунда мактабнинг ўқитувчи ҳамда ўқувчилари болалар мусиқа ва санъат мактабларининг оркестр, ансамбль ва ижодий жамоаларининг, шунингдек, М.Қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танловларининг худудий бўлимига тайёр-гарлик кўришмоқда.

Биз уларнинг ушбу кўрик-танловларда ҳам юқори натижаларга эришиб, фахри ўринларни қўлга киритишига ишонамиз.

Ж.АБДУПАТТАЕВ,
Фарғона тумани 26-БМСМ директори

Пандемия кузатапти...



Бепарво бўлманг!

Мана, ер сайёрасида коронавирус кезиб юрганига ҳам қарийб бир ярим йилдан ошди. Бу вақт оралиғида қанчадан-қанча инсонлар кўзга кўринмас бало билан курашиб, жон талашди. Уларнинг кўпи дарддан фориғ бўлди, айримларини эса бераҳм эпидемия бу ёрут оламдан олиб кетди.

Бироқ пандемия ҳали бери орта чекинадиганга ўхшамайди. Тўлқин ортидан тўлқин, штамм ортидан штамми пайдо бўлишда давом этапти.

Ҳар ёмонликда бир ҳикмат яширин деганларидек, пандемия яқинларимизни қадрлашни ўргатди. Тан олиш керак, ишлаш, пул топиш деб вақтида ухладан, саломатлигимиздан кечиб даражасига етгандик. Аллақачон амалимиздан тилимизга кўчган "соғлиқ – ҳар қандай бойлиқнинг аълоси" эканлигини кўринмас офат такрор-такрор исботлаб берди. Меҳр-муҳаббатни, қадрни бизга яна бир қарра ўргатди. Ўзимизни ўзимизга яқинлаштирди. Оралиқ масофани сақлаш, ниқоб тақиб юриш, кўлни тез-тез ювиб туриш каби чора-тадбирлар касалликни биздан анча узоқлаштирган эди. Аммо биз яна бепарволикка берилдик...

Одамлар эътиборсизлиги маълум муддат дардни яна уйғотди. Бу бепарволик қандай бўлди?

Аввало, оралиқ масофа йўқолди. Жамоат жойларида, транспортларда ҳам ниқоб тақишни унутдик. Бир кишида иситма чиқса, тез ёрдамни "овора" қилиш керак эмас деб, уйда даволанмоқчи бўлдик ва бутун оила аъзоларимизга касалликни юктирдик. Ҳўйимизда меҳмонлар сонини яна санаб бўлмас даражага етказдик. Локайдлик шунчалар қон-қонимизга сингиб кетган эканки, касалликка бўлган қарашимиз ҳам мутлақо ўзгарди. Оқибатда, вирусга чалинганлар сони кун сайин жадвал ўса бошлади.

Албатта, бу ваҳима қилишга арзимайди. Арзимаслигига сабаб, биз касаллик билан бирга яшашга ўрганиб қолдик. Бироқ бу энди у юкмайди ёки таъсир қилмайди дегани эмас. Ҳеч қандай табиий шароитда йўқолмаган, дори-дармонларга ҳам чидамай бўлган вирус кимнингдир бепарволиги сабаб қайтаюқмаслигига ҳеч ким қафолат бермайди. Шунчаки бош огриши ёки иситмалаш эмас, ўлар ҳолга келганларни ҳам, афсуски, кузатапти. Аммо ҳали-ҳануз тартиб-интизом учунгина ниқоб тақиямиз. Уйга борганда эса барибир ўз билганимиздан қолмапмиз. Бу эса дард билан курашаётганларга ёрдам эмас, эпидемияни "қўллаб-қувватловчи кучдир".

"Бу касалликка даво борми?" – дея ҳафсаласи пир бўлаётганлар, афсуски, шифо ўзида эканлигини билишмаяпти. Қачонки соғлигимиз учун қилинадиган сохта меҳрибонликни тўхтатасак, оралиқ масофани сақласак, антисептик восталар билан кўйларимизни мунтазам ювиб турсак, ниқоб тақишни унутмасак, кўзга кўринмас бу балою офат яна қайта уйқуга кетади. Бугун ҳеч ким сизга ўзингизчалик гамхўрлик кўрсата олмайди. Сизнинг ўзингизга бўлган гамхўрлигингиз атрофдагилар учун ҳам фойда эканини англаб етинг. Оилангиз, фарзандларингиз, ота-онангиз, яқинларингиз соғлиғи ҳам сизга боғлиқлигини фаҳмласангиз, бугунги оғир кунда зарур бўлган қарантин чекловларига ҳам виждонан амал қила бошлайсиз.

Сохталик, шунчаки назорат учун қилинган тартиб-интизом сизга ҳам, жамиятга ҳам фойда олиб келмайди. Агар чўнтагимизда ойналаб тургани учун сарғайиб кетган ниқобимизни яна тақишда давом эттирсак, оралиқ масофани сақламасак, ўзимизнинг ҳам, атрофдагиларнинг ҳам соғлиғини ҳаф остида қолдираверсак, бу иллатдан яқин муддатларда қутулмаслигимиз тайин. Бепарволик бедаволикка олиб келади. Огоҳлиқни унутманг!

О.АБДИЕВ

ТАҚДИМОТ

Электрон реестр учун



Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази томонидан "Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри. Том 1" илмий тадқиқоти нашрдан чиқарилган эди.

24 март куни мазкур китобнинг тақдимот маросими ўтказилди. Унда вазирнинг биринчи ўринбосари Ж.Носиров, марказ жамоаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари улуг аллома ва мутафаккирларимизнинг хорижда сақланаётган қўлёзма асарлари илмий тавсиф этилганлиги, аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш ва халқимизга ҳамда жаҳон аҳлига етказиш миллий ғуруримизни янада юксалтиришга хизмат қилиши ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Мазкур китоб марказнинг дастлабки илмий махсули бўлиб, унда аждодларимизнинг хориждаги ёзма мероси жамланган

ва 496 бет ҳажмда chop этилган. Эътиборли жиҳати бугунги кунда Марказда тайёрланаётган электрон реестр учун 8000 дан зиёд маданий бойликлар тўпланган бўлиб, уларнинг 44 фоизини алломаларимизнинг қўлёзма асарлари ташкил этади.

Биринчи томга киритилган 1001 та илмий тавсиф қўлёзма асарларга оид жамланган маълумотларнинг учдан бир қисмини қамраб олгани боис, Реестрнинг навбатдаги томлари ҳам нашрга тайёрланмоқда.

Замон билан ҳамнафаслик

Миллий либос – миллий ифтихор!

Ҳар бир миллатнинг ўз урф-одати, қадриятлари, миллий либослари мавжуд. Улар киши қайси миллатга мансуб эканлигини билдириб туради. Албатта, миллий кийимлар ҳам ўша халқнинг рамзи ҳисобланади. Бугун асрлар давомида сақланиб, сайқалланиб, замонавий тус олаётган ана шундай миллий кийимлар дунё бозорларини эгалламоқда.



Либослар кўринишида тарих ва бадиийликнинг амалий санъат сифатидаги қоришмаси акс этган. Уларга сайқал бериш эса ўзига хос дид талаб этади. Мисол учун, миллийликни англашувчи аёллар либосига турли нақшинкор безаклар, мунчоқлар, кашталар билан зеб берилади.



Рус миллатига мансуб аёллар кийими икки мажмаудан иборат, яъни сарафан (шимолий), понийвний (жанубий). Шунингдек, бош кийимлари ҳам ўзгача кўринишга эга. Турмушга чиққан аёллар "кику" ёки "кокошник" кийишган. Қадимда канизақлар либослари кашталар, баъзилари марварид мунчоқлар билан безатилган. Хизматкор аёлларнинг либослари эса ёрқин қизил рангда бўлиб, ипак матодан тикилган.



Кунчиқар мамлакат Япониянинг миллий либоси "кимано" ҳисобланади. У "т" шаклидаги либос бўлиб, энгнинг эни анча кенг. Японларнинг анъанавий кийими халатга ўхшаса-да, Европа костюми сингари ёқаси очиқ эмас. "Кимано" асосан юмшоқ матолардан тикилади.

Ноёб ранги, нақшларининг гўзаллиги, хилма-хиллиги ва ўзига хослиги ҳинд либосларини ҳам дунёга танитди. Бундай сарполар зиғир, пахта, жундан тайёрланади. Уларни безашда ёрқин ранглардан ташқари, мунчоқлардан, каштачилик нақшларидан кенг фойдаланилади. Ҳинд миллий либослари турли-тумандир. Мисол учун, улардан бири – "сари": ўзун ўлчовли бўлиб, аёл белига моҳирлик билан ўралади ҳамда бир учи елкасидан туширилади. Бундай либос Ҳиндистоннинг намлик юқори бўлган иқлими ва ёзги иссиғидан яхши ҳимоя қилади.

Ўзбек миллий либослари ҳам кўп асрлик тарихга эга. Ипак, шойи матолардан тўқилган атласу адраслар, беқасам тўнлар, зар чопонлар, бир-биридан чиройли нақшинкор, каштали дўппилари миллийлигимизнинг зебу зийнати ҳисобланади. Такрорланмас жозибadorлик, мафтункорликка эга миллий либосларимиз ҳар бир вилоятнинг этник тўзлишига кўра ўзига хосдир.

Хусусан, Сурхоннинг меҳнатқаш, чевар аёллари ўз қўл меҳнати орқали яратаятган кийим-кечаклари, гиламлари, тўнлари, дўппилари ҳанузгача чет эллик меҳмонлар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Шунингдек, Бойсунда азалдан ўз тарихига эга, ранг-баранг, сержило, нафис келинлар либоси тикиб келинади. У устки ёпинчиқ ва кўйлақдан иборат бўлиб, матодаги гуллар кашта услубида безатилган.

Сурхон воҳасига хос миллийликни англашувчи либослардан яна бири "кашта кўйлаги" бўлиб, у Наврўз сайлларидан қизларимиз ва аёлларимиз гўзаллигига янада кўрк қўшувчи либослар сирасига кирди.

Тахмина БЕГМАТОВА,
"Термиз" давлат музей-қўриқхонаси
илмий ходими

Танлов



Алла айтган етар муродга

Аждодларимиз дунёқараши, маънавий савиясининг ёрқин намунаси бўлган табиат ва ҳаётнинг қайта туғилиши билан бирга поклик шодлик, миллий ифтихор, ўзликни англаш, азалий баҳорий маросимлар, миллий урф-одат ҳамда анъаналарни тараннум этиш, ёшларда боболардан қолган бой номдод маданий меросга муҳаббат уйғотиш ва уларни маънавий камол топтириш ёрқин келажагимиз асоси.

Жорий йилнинг 25 март куни Жиззах шаҳар маданият бўлими томонидан юқори савияда ўтказилган "Алла айтган етар муродга" республика кўрик-танловининг дастлабки босқичи ҳам шу мақсад сари қўйилган қадамлардан бири. Яъни ёш оилаларга халқимизнинг энг қадимий қадриятлари, урф-одат ва удулларидан бири бўлмиш алла айтиши санъатини ўргатиш орқали ўзлигимизни англаштирдир.

Мазкур танловда 15 нафардан ортиқ шаҳар маданият бўлими тасарруфидаги маданият марказлари қошидаги бадиий ҳаваскор жамоалари аъзолари, олий таълим муассасаси талаба қизлари ҳамда маҳаллалардаги ҳаваскор мунис онахонлар ва опа-сингиллар ўз ҳудудига хос урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар акс этган қадимий аллалар ва замонавий муаллифлар томонидан яратилган "Алла" кўшиқлари билан фаол иштирок этишди.

Шаҳар босқичида 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаб, голиб бўлганлар ёш оилаларга халқимизнинг энг қадимий қадрияти бўлмиш алла айтиши санъатини ўргатиш, ёшларга халқ оғзаки ижодиёти замирида ётган ўзбек онаси маънавиятини етказиш, ушбу мерос санъат орқали ўзлигимизни бугунги авлодга англаштириш ва улар меҳрини ошириш мақсадида ҳақиқий маънодаги

асарларини томошабинларга намойиш қилиши.

Низом талабларига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар бир қатнашчи хайъат аъзолари томонидан одилона баҳоланди. Билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, шаҳардаги Кўзи оқизлар маданият маркази "Райхон" фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари Нортжи Ҳайдарова I даражали, "Бобур" маҳалласидан Гулжаҳон Алиева II даражали, Жиззах давлат педагогика институти Мусқий таълим йўналиши талабаси Мунира Каримқулова III даражали диплом билан тақдирландилар.

Танлов якунига кўра, ўзининг юқори савиядаги ижро маҳорати билан I, II, III ўринларни қўлга киритган иштирокчилар жорий йилнинг 29 март куни вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтадиган вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

М.САИТМУРАТОВА,
Жиззах шаҳар маданият
маркази мутахассиси

Театр томошалари ҳафталиги

Ижодга чорловчи учрашувлар

Бугун Сурхондарё вилоят кўғирчоқ театрида ижодий ишларнинг қизгин палласи. Бир ҳафтадан буён ўтказилаётган "Театр томошалари ҳафталиги" доирасидаги тадбирларда, аввало, томошабинлар эртак қахрамонлари кўршовада кутиб олиниб, ўзига хос безатилган фойега кузатилди. Шундан сўнгра театр репертуридан ўрин олган энг сара спектакллар, мусиқий томошалар намойиш этилди.

Спектакль олдидан театр артистлари В.Раҳмонов, А.Қодиров, С.Хонкелдиева, Х.Каримова, З.Каримова, Р.Умарова, М.Жумаева, М.Тўраевлар билан ижодий учрашувлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим та-



шаббуси доирасида "Ёш расомлар" ижодий клуби томонидан кўрик-танлов ўтказилиб, голиблар театр раҳбарияти томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланишди. Театр бosh расоми Р.Тошбоев раҳбарлигида ташкил этилган "Ёш расомлар" кўргазмасида томошабинлар орасида мусаввирликка мойиллиги бор қизикувчи ёшлар ўз чизгиларини эсдалик учун қолдиришмоқдалар.

2021 йилнинг 22 март куни "Театр томошалари ҳафталиги" доирасида ўтказилаётган тадбирга вилоят ҳокими Т.Боболов, Термиз шаҳар ҳокими И.Худойбердиев ҳамда ҳоким ўринбосарлари ташриф буюришди.

Шунингдек, 2021 йилнинг 25 март куни вилоят кўғирчоқ театрида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Олтин қалам" Миллий мукофоти олий ўрин совриндори, "Дўстлик", "Меҳнат шухрати" орденлари соҳибаси шоира Зулфия Мўминова иштирокида "Орузимдаги инсон" мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида томошабинлар томонидан шоиранинг шеърларидан намуналар ижро этилди. Учрашув қизиқарли савол-жавобга бой, кўтаринки руҳда ўтказилди. Айниқса, Зулфия Мўминованинг томошабинлар билан жўрговозликда "Болага китоб беринг" шеърини ўқиши барчага манзур бўлди. "Театр томошалари ҳафталиги" доирасида ўтказилган тадбирларга хорижий меҳмонлар ҳам ташриф буюришди. Айниқса, хитойлик Ли Ни ҳамда туркманистонлик Бибигул Шерназаровалар театрга яратилган шарт-шароитлар тўғрисида ҳам ҳавас билан гапириб ўтдилар.

О.БЕРДИМУРАТОВА,
театр директори

» Эса қоларли кун

Муносиблар
тақдирланди

25 март Жиззах вилоят кўғирчоқ театрида ҳафталикнинг энг сермазмун ва эса қоларли кун бўлди. Чунки театр зали уч сеансда ҳам томошабинлар билан тўла бўлди.

Шунингдек, март ойи бошларидан бери ўтказиб келинаётган "Ёш расм" кўрик-танловига қаҳриқлар ҳам ўз натижасини берди.

Яъни шу кунни кўлаб ёш, истеъдодли болалар ичидан энг муносиблари танлаб олинди, кўғирчоқ театри ҳамда Жиззах вилоят расмлар уюшмаси томонидан эсадиқ совғалари ва дипломлар билан тақдирланиши.

Танловда ғолиб бўлганларга ҳамда театр жамоасига Жиззах вилоят маънавият ва маърифат бўлими мутахассиси Иноят Донишева

эсадиқ учун китоблар совға қилди.

Бундан ташқари, ўша кунни кўғирчоқ театри репертуаридаги спектакллар ҳақида катта тасаввур уйғотувчи декорация, кўғирчоқлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Тадбир сўнггида эса муаллиф ва режиссёр К.Исамова томонидан сахналаштирилган "Салом дўстлик!" спектакли намойиш этилди.

Удан кейин асосий қаҳрамон бўлиши Шум бола ролини ижро этган биринчи тоифали актёр Бекзод Юнусов билан ижодий суҳбат ўтказилди. Унда маҳоратли ижодкор болажонларни қизиқтирган саволларга ўзига хос жавоб бериб, кечани янада жонлантирди.

» Қорақалпоқ сахнасида

Дунё яралибдики, муҳаббат мавзусига қўл урмаган ёзувчи, уни мадҳ этмаган шоир, қуйламаган ҳофиз бўлмас керак. Шунингдек, севи тарихи ҳақида спектакль яратишини, бадиий фильм суратга олиши орзу қилмаган режиссёр ҳам топилмаслиги аниқ. Ёки бу ёруғ оламга келиб, муҳаббат деган туйғунни бошидан кечирмаган бирор одам бормикин? Шекспир асарларига қўл уришни истамайдиган театр ҳам йўқ, назаримизда. Уларни қўйишга жазм этолмаслиқ эса бошқа масала. Шунданми, Қорақалпоқ профессионал театр санъати 1926 йил 8 ноябрда қад ростлаган бўлса-да, 1970 йилга келибгина Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат муқофоти театри Шекспирнинг энг машҳур асари – "Отелло"ни сахналаштиради.

Муногли муҳаббат тарихи

Ушбу сахна асари қорақалпоқ томошабин томонидан қутулганидек қабул қилинмаган бўлса-да, даргоҳ тарихида катта из қолдирди. 1978 йилда ташкил этилган Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри ҳам узоқ йиллик тайёрликдан сўнг ilk бор шу йили Шекспир даҳосига унинг "Ромео ва Жульетта" асари орқали мурожаат қилди...

Эҳтимол, бу оддий тасодифдир, лекин бу манзилга етиш учун шикала театрнинг ҳар бири катта тайёрлик кўриб, бирдек – 43 йилдан ошқ йўл босибди...

Муҳаббат тантанаси мадҳияси...

Ўлимдан кучли ишқ...

Эҳтирослар фожиаси...

Агар "Ромео ва Жульетта"ни қисқа таърифлашга тўғри келса, шу сатрларгина В.Шекспир трагедиясига синдирилган гоё моҳиятини очиб беришга қодир бўлса керак. Асар гўзал инсоний туйғуларга бағишланиб, унда муҳаббатнинг энг юксак чўққисига ета олган ёшлар севиғиси қуйланади. Ҳа, инсонларнинг ҳар бири ўзича севади, ўзича кўнгли қўяди... Шекспир мазкур асари орқали муҳаббат аталмиш ана шу ҳиссиётларнинг энг юқори нуқтаси

ҳиссиётлар ва уларга кўр-кўрона бўйсунмиш ҳар доим ҳам яхшиликка олиб бормаслигини қайта-қайта исботлашга уринади. Шунинг учун ҳам Ромео Розалинага бўлган туйғуларини бир лаҳзада унутиб, Жульеттага кўнгли қўяди, ёшлар ҳиссиётларига бўйсуниб, ҳали бир-бирини яхши билмасидан севиғи изҳор қиладилар. Жульеттанинг энагаси ўйламай-нетмай улар ўртасида воситачига айланиб, роҳиб Лоренцо эса дарҳол никоҳлаб қўяди. Тибальт беғуноқ Меркуционни, Ромео эса жондан азиз севиғисининг жигари бўлиши Тибальтни бир лаҳзада ўлдириб қўяди. Ҳали мотам либосида бўлишларига қарамай Капулеттилар қизлари Жульеттани Парисга беришга ва тўй кунини белгилашга шошадилар...

Жульеттани ўлди деб эшитиши билан Ромеонинг хизматкори Балтазар бу воқеани етказмоқ учун шамолдек елади! Ромео тобути устида тургани сабаб Жульеттанинг жонсиз (унинг наздидаги) жисмини ҳам ундан қизғониб, жангга киришди ва Парисни ҳалок этади. Ва охири-оқибат Жульеттани ўлган деб билган Ромео заҳар ичиб ҳалок бўлади. Жульетта эса ана шундай яшин тезлигида ўзини ҳалок этади...

Спектаклда юзага келадиган воқеаларнинг асл сабаби икки оила ўртасидаги ўзлари тағ-замирини ҳам билмайдиган душманлик ва бунинг оқибатида бир-бири билан кўр-кўрона жангашадиган Монтеки ва Капулеттилар эканига ургу берилди. Бу ролларни ижро этган Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Ж.Абдимов (Монтеки) ва Р.Уразбаев (Капулетти) жилит ансамбль яратадилар. Яъни ҳар икки оила бошлғи ўзларини мутлақ ҳақ деб билганлари, ўтиб кетган бобокалонлария момоларига содиқлик белгиси сифатида душманликка чек қўйиш ўрнига, ўсиб келаётган авлод юрагида нафрат ўтини тобора аланга олдириш йўлидан борадилар. Капулетти бу ишни анча дўндириб бажарганидан ўлеи Тибальт (бу ролни актёр Д.Байназаров ижро этган) унинг ишончини тўла оқлаш йўлидан бориб, охири шу нафрати уни ҳалок этади. Умуман олганда Монтеки учун ҳам, Капулетти учун ҳам "анъана"ларга бундай содиқлик жуда қимматга тушади. Улар катта товон тўлайдилар, яъни фарзандларини жудо бўладилар. Спектакль якунида дунёга тўймай ҳаётдан кўз юмган фарзандлари, айниқса, ёш эканига қарамай уларга бир умрлик сабоқ бериб кетган Ромео ва Жульеттанинг руҳлари шод бўлиши учун ҳам ҳар икки оила ўзаро душманликка чек қўядилар.

Саҳна асарининг ютуғи режиссёр А.Кудайназаров томонидан ҳар бир образга мос актёр танлангани, шунингдек, Қорақалпоқ ёш томошабинлар театрида буюк Шекспирнинг Ромео ва Жульеттасини яратишга қодир, иқтидорли ва сахнага яралиб турадиган ёш актёрларнинг мавжудлиги ва улар бош қаҳрамонларни тўлақонли гавдалантира олганидир, дейиш ўринли. Режиссёр ёш актёрлар олдида вазифаларни тўғри қўя билгани сабаб Ромео образини ижро этган Р.Тлемисов ва Жульеттани яратган Б.Бахиева образлари моҳиятини тўла англаб етганлар. Ҳар икки актёр ёшликка хос шижоатга эга, беғубор, ҳар бир хатти-ҳаракатини тарозига солиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдиган, бутун вужуди билан сева олишга, бу йўлда ҳар нарсадан воз кечишга қодир ёшлар сиймосини ўзига хос ижро этадилар.



Шекспир ўз қаҳрамонларини деярли оталиқ меҳри билан севади, уларни яратувчиси сифатида хатти-ҳаракатларини босқичма-босқич кўриб чиқади, аммо зинҳор заифликда айбламайди. У бизни – томошабинни айнан мана шу инсонлар ўзларининг барча иллатларию камчиликлари билан беназир севиғига лойиққилар, деб ишонтиради, чунки фақат муаллифгина ўз қаҳрамонларини бу ҳаётнинг номукамаллигидан юксакликка олиб чиқиб, дунёда ҳукм сураётган ёвузликдан ҳалос этади.

Спектакль режиссёри А.Кудайназаров ва ижодий гуруҳнинг мазкур асарга мурожаат қилишида ҳам қайсидир маънода катта мантиқ яширингандек. Сабаби, Жульеттанинг жасуриги, табиатидаги эркинликка мойиллик қирралари қорақалпоқ қизларидаги ҳислатларга яқин. Асарнинг қисқа вақтда эришган ютуғи ва томошабинлар томонидан катта қизиқиш ҳамда муҳаббат билан қабул қилинишининг сабаби ҳам юқорида айтиб ўтилган оимилар бўлса ажаб эмас. Шунинг-

дек, режиссёр ҳамда А.Палимбетов томонидан танланган муқофоти, жонли ва табиий сахна жанглари, қадим Италия ва замонавий услуб элементларини уйғунлаштирган костюмлар ҳам спектакль руҳиятига тўла мос бўлиб, асар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Спектаклда режиссёр ва расм ҳамкорлиги ҳам ўзининг ижобий натижасини берган. Декорация томошабинни беҳиётёр XIII-XIV аср қадим Италияга саёхатга бошлади. Расм Т.Шардематов Веронанинг ўзига хос архитектураси элементларидан, Барокко услубидан шартли равишда фойдаланади.

Қолган образларни талқин қилган ижодкорлар ҳам яхлит ансамблга бирлаштирилган. Ижрода биргина актёрни ажратиб кўрсатиш мумкин эмас, сабаби унда бутун жамоа жонли, барча ижодкорлар битта юрак ва қалбга эга бўлган ягона организмга айланган. Ва уларнинг ҳар бири Шекспир ҳамда режиссёр илгари сурган гоёга хизмат қилиб, спектаклнинг бадиий яхлитлигини таъминлайдилар. Айниқса, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган артист Лиза Халқназаровнинг Монтеки хоними, Қорақалпоғистон республикасида хизмат кўрсатган артист А.Науризовнинг Капулетти хоними, Г.Жапарова ижросидаги Энага, И.Бегажановнинг Меркуционни, Ж.Бердибековнинг роҳиб Лоренцо образларининг ҳар бири образ моҳиятини тўлақонли очиб бера олгани учун спектакль бадиий яхлитлик касб этган.

Спектакль якуни ҳам инсон қалбда эртанги кунга ишонч ҳиссини уйғотиши биан эътиборлидир. Ҳар икки ёшнинг ўлимидан тушунликка тушган томошабин энди нима бўларкин, деган саволига тўлиқ жавоб олади. Эзулик ва ғалаба рами бўлиш оппоқ либослардаги фаришталар икки севишган йўлга оқ пояндоз тўшайдилар. Чегаралар, ақидалардан холи дунёга йўл олган ошқлар юзида бахтиёрлик учқун порлайди. Айниқса, бир тўхтаб ортларига қараган дамларида яқинлари орасидаги душманлик барҳам топганлигини кўрганларидан руҳлари ором топган Ромео ва Жульетта бир-бирларининг қўлларидан маҳкам ушлаганча оппоқ пояндозни босиб чиқиб кетадилар...

Шу тариқа Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри талқинида Шекспирнинг эски пьесаси тамоман янгича янгради, асарнинг янги сифатлари очиб берилди. Энг муҳими, спектакль томошабинга тушқунлик кайфиятини олиб келмайди, зериктирмайди. Чунки ундаги ҳар бир персонажда биз дўстларимиз, яқинларимиз, замондошларимизни кўраимиз. Ахир бу спектакль, энг аввало, сиз ва биз ҳақимизда...

Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри ахборот хизмати



бўлиши ҳадсиз ва чегарасиз; бунинг эвазига эса ҳеч нарса талаб этмайдиган буюк севиғини тасвирлайди...

Европа жанубида юз берадиган бу воқеа ва унинг атмосфераси – жасуриликка, гоҳида ўйламай қарор чиқарувчи, жаҳл отига минганда ҳатто рақибини ўлдиришгача борувчи шиддатли эҳтиросларга мойил одамлар орасида содир бўлади. Персонажлар доимий равишда кайфият ва ҳис-туйғуларига бўйсунадилар. Бу ерда ҳамманинг ўз ҳақиқати бор. Тўғри, босиқ, ақлли одамлар ҳам йўқ эмас, аммо муҳаббатда бўлгани каби нафратда ҳам ич-ичидан вулқондек отилиб келадиган фикр тиниқлигига ва "етти ўлчаб, бир кесмоқ"қа ожиз уларнинг барчаси...

Спектакль режиссёри А.Кудайназаров асар моҳиятини тўла англаб етганлиги учун уни бир тўда ёшлар жанжали ва тўполонидан бошлади. Асар темпоритмини эса охиригача юқори нуқталарда ушлади. Бу ёндошув жуда тўғри бўлиб, воқеалар давомида айнан ёшлиқ шижоати, инсон юрагида юзага келадиган илк



Фохр ва ифтихор

Эришилган ютуқлар

Яқинда Болалар musiқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танловининг худудий ва вилоят босқичлари бўлиб ўтди. Унда Фарғонадаги 26-болалар musiқа ва санъат мактабларининг иқтидорли ўқувчиларидан Шахло Ёқубова "Наво" макомидан "Таснифий гардуний наво", "Бузрук" макомидан "Қашқарчарок", ўзбек халқ куйи "Эшвой", Хоразм халқ куйи "Илғор" асарларини ижро этиб, худудий

босқичда 1-ўрин, вилоят босқичида эса фахрли 2-ўринни кўлга киритди.

Анъанавий хонандалик ўқувчиси Нафиса Мамажонова ҳам "Фарғона-Тошкент" макоми йўлидан "Баёт IV", "Тановор II", Дони Зокиров musiқаси "Эй сабо", М.Муртазов сайқал берган "Таманно" каби мумтоз наволарни ижро этиб, худудий босқичда 1-ўрин, вилоят босқичида эса фахрли 2-ўринга сазовор бўлди.


Ўқувчилар хақамлар хайъати томонидан II

даражали дипломлар билан тақдирландилар. Шу билан бирга мана шундай шогирдларни тарбиялашда қилган муносиб хизматлари учун жонкуяр устозлари – Садокатхон Қорабоева, Ойдиной Сиддиқова ва Шоҳидахон Турсуналиевларга танлов ташкилотчилари томонидан миннатдорчилик билдирилди.

Зухра УБАЙДУЛЛАЕВА,
26-БМСМ musiқий-назарий
фанлар ўқитувчиси



Диққат!



Видеоролик ва қисқаметражли фильмлар танлови

Маданият вазирилик ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан "Янги ўзбекистонда – янги дунёқараш" шиори остида видеоролик ва қисқа метражли фильмлар танловини эълон қилади.

Видеоролик ва қисқа метражли фильмларда мустақиллик йилларида кўп миллатли ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустахкам иродаси ва матонатини намоён этиб, оғир синов ва машаққатларни мардона енггани ва катта тараққиёт йўлини босиб ўтгани, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, онгу тафаккури тобора юксалиб бораётгани акс эттирилиши лозим.

Танловда давлат ва нодавлат киностудиялари вакиллари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, ҳаваскорлар журналист ва сценаристлар, олий ўқув юрлари талабалари ва ҳаваскор ёшлар куйидаги номинациялар бўйича ўз ижодий ишлари билан иштирок этишлари мумкин:

- "Энг яхши видеоролик";
- "Энг яхши хужжатли фильм";
- "Энг яхши қисқа метражли фильм";
- "Энг яхши гоё муаллифи".

Танловда қатнашмоқчи бўлганлар Маданият вазириликка 2021 йил 1 май кунига қадар ўз ижодий ишларини тақдим этишлари даркор. Ижодий ишлар сони чекланмаган.

Ғолиблар 35 миллион сўм миқдоридagi пул мукофоти, диплом ва статуетка билан тақдирланади.

Эслатма: тақдим этилган ижодий ишлар (гоё) янги ижод қилинган (муаллифлик), оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали намоиш этилмаган бўлиши шарт.

Танловда давлат ва нодавлат киностудиялари мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан юртимиздаги давлат ва нодавлат телеканаллар орқали намоиш қилинади.

Ижодий ишлар Маданият вазириликнинг Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармасига тақдим этилади.

Кутлов



Ютуқлар муборак!!!

2021 йил 27-28 март кунлари Республика ихтисослаштирилган musiқа академик лицейида ўтказилган "Санъат гунаҳалари" номи ХХII-республика танловида лицейнинг Пуфлама ва зарбли чолгулар бўлимидан куйидаги ўқувчи ва ўқитувчилар муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни кўлга киритишди.

Танловнинг ёпилиш маросими ўзбекистон давлат консерваториясида кўтаринки руҳда ўтказилди ҳамда ташкилотчилар томонидан танлов совриндорлар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Булар:

Шоҳрух Фурқатов (ўқитувчи – Адхам Кўчқоров, жўрनावоз – Фариди Абидова) – Гобой йўналиши бўйича, 1-ўрин;

Аброр Ташланов (ўқитувчи – Собир Қосимов, жўрनावоз – Феруза Ягафарова) – Труба йўналиши бўйича, 1-ўрин;

Қудратилла Хабибуллаев (ўқитувчи – Нодир Нормаматов, жўрनावоз – Ирина Ерёмко) – Валторна йўналиши бўйича, 1-ўрин;

Озодбек Хушбоқов (ўқитувчи – Нодир Нормаматов, жўрनावоз – Ирина Ерёмко) – Валторна йўналиши бўйича, 1-ўрин;

Ахрор Абдурахимов (ўқитувчи – Еркин Жабборов, жўрनावоз – Фариди Абидова) – Туба йўналиши бўйича, 1-ўрин;

Эдем Усеинов (ўқитувчи – Хайриддин Юсупов, жўрनावоз – Элмира Алиева) – Флейта йўналиши бўйича, 2-ўрин;

Хасан Баходиров (ўқитувчи – Бекзод Баратов, жўрनावоз – Ирина Ерёмко) – Баритон йўналиши бўйича, 2-ўрин;

Муҳаммадризо Бахтиёров (ўқитувчи – Сабир Қосимов, жўрनावоз – Феруза Ягафарова) – Труба йўналиши бўйича, 2-ўрин;

Жаҳонгир Абдурахмонов (ўқитувчи – Зиеддулла Абдуллаев, жўрनावоз – Наила Гадельшина) – Зарбли чолгу йўналиши бўйича, 2-ўрин билан тақдирландилар.

Бундан ташқари, танлов ташкилотчилари томонидан "Энг яхши ўқитувчи" номинациясига Собир Қосимов лойиқ деб топилди ҳамда унга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Мозиёга қайтиб...

“Даштаки Боло” тарихи



Самарқанд шаҳри қадим замонлардан шарқ гавҳари, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган илм ва тамаддун бешиги бўлиб келган. У ўзининг фусункор табияти, муътадил об-ҳавоси, ширин мевалари билан инсониятни хайратга солган. Шаҳарнинг оламга маълум машҳур бўлишида унинг атрофида жойлашган маҳалла ва қишлоқларнинг ҳам ўз ўрни бор. Шулардан бири "Даштаки Боло" мавзеидир.

"Даштаки Боло" қаҳадида дастлабки маълумотлар милодий V-VI асрларга оиддир. Араблар истилоси ва ислом дини тарқалишидан олдин "Даштак" мавзеи "Дарвозаи Ревдод" номи билан машҳур бўлиб, шу ерда "Ревдод" қалъаси дарвозаси жойлашган. Тилшунос олим Н.Б.Бегалиевнинг таъкидлашича, у Сўғд ишчилари қароргоҳи бўлган ва дарвоза шаҳардан чиқишда "Ревдод" қалъасига борадиган йўлга қурилгани учун "Дарвозаи Ревдод" деб аталган.

"Дарвозаи Ревдод" мавзеи сомониёлар, қорахонийлар, салжукийлар, темирйилар ҳукмронлиги давларида ҳам шу ном билан танилиб, бу ерда серхосил боғлар, турли тоқор ва обод маҳаллалар бўлган.

Аmmo XVII ва XVIII аср бошларида Мовароуннахрнинг тарқоқлиги, аштархонийларнинг ўзаро урушлари ва босқинчилик ҳужумлари натижасида Самарқанд шаҳри таназзулга юз тутди. Масалан, қозоқлар хони Таваккалхон шайбонийлар ва сафавийлар ўртасидаги низолардан фойдаланиб, Мовароуннахрга юриш қилади. У Тошкент ва Самарқанд шаҳарларини эгаллаб, у ерда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хунрезликларни амалга оширади, мадрасау масжидларига от ва молларини жойлайди. Шаҳарнинг обод бoғу роғлари, тарихий обидаларини ер билан битта қилиб, Самарқанд аҳолисини қилчидан ўтказди.

Бу билан Самарқанд осмонидagi қора булутлар тарқалмайди. XVII асрнинг таниқли адабиётшунос олими ва таъриханависи Малехо Самарқандийнинг "Музакирул-асҳоб ё таъриратул-шуаро" асаридеъзилишича, аштархонийлардан Абдулазизхон даврида Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги маҳаллалар харобаликка юз тутиб, худуд аҳолиси турли томонга тўзиб кетди. Хусусан, Субхонқулхон фармойиши билан Ер юзи сайқали – Самарқанд аҳолиси оммавий қатлга ҳукм қилиниб, шаҳар вайронага айлантирилди. Халқ бундай бедодликлардан қутулиш ва жон сақлаш учун ўз ерларини ташлаб, тоғлар ва бошқа шаҳарларга қочиб кетди, шаҳар кимсасиз ва хароба ўлкага айланди. Бу кўркам боғлар ва обод ерлардан иборат "Дарвозаи Ревдод" мавзеига ҳам таъсир кўрсатиб, у кимсасиз дашту биёбон кўринишини олади.

Самарқанд шаҳри ва унинг атрофи мангитлар

ҳукмронлиги, хусусан, Амири Маъсум-Амир Шоҳмурод даврида бошқатдан обод бўла бошлади. Филология фанлари доктори, профессор С.Саъдиев "Маркази адабии Самарқанд дар шоҳроҳи таърих" китобидеътаъкидлашича, Самарқанд Амир Шоҳмуроднинг оқилона сиёсати туфайли, одамларни бошқа жойлардан кўчириб келиши ҳисобига қайтадан жонланди. Унинг даврида илгари "Дарвозаи Ревдод" номи билан маълум бўлган мавзеда ҳаёт қайтадан ривожланди. Бу ерга кўчиб келган аҳоли тупроғи сувсиз ва кимсасиз бўлганлиги сабабли мазкур жойни "Даштак" (Кичик биёбон) деб атай бошлади.

"Даштак" топоними дашт – биёбон, чўл ва тожикча ак-кичрайтириш аффиксидан тузилган.

"Даштак" мавзеига Дарғом каналдан "Жўйи шаҳар" ариги орқали қавлаб, сув олиб келадилар ва у ҳам "Жўйи Даштак" (Даштак ариги) номи олади. Шундан сўнг бу мавзеда одамлар кўпайиб, турли хил боғлар ва тоқорлар бунёд этилади, қишлоқ обод бўла бошлади. "Даштак" мавзеи катталашини ва одамларнинг кўпайиши натижасида XIX аср бошларида 3 қисмга бўлинади: "Даштак", "Даштаки Боло" ва "Даштаки Поён".

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Чор Россияси даврида "Даштак", "Даштаки Боло" ва "Даштаки Поён" маҳаллалари Шовдор туманининг "Маҳалла" волостной таркибига кирган. Тилшунос олимлар З.Дўсимов ва Х.Эгамовларнинг Жой номлари қисқача изоҳли лугатида "Даштаки Боло" топоними куйидагича изоҳланган: "Даштаки Боло" Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги қишлоқ. Топоними эса куйидагича тузилган – дашт-ак-кичрайтириш аффикси, яъни "кичик дашт" боло "тепа ёки юқори"... деган маънони англатади.

Ўзбекистон халқ таълими аълочилиси Босит Ҳамроевнинг таъкидлашича, XX аср бошларида "Даштаки Поён" маҳалласи "Рустам", "Даштаки Боло" маҳалласи "Оқ масжид" номи билан юритила бошлади. Собиқ шўролар даврида қадимги "Даштак" мавзеида "Ленин байроғи" жамоа ҳўжалиги тузилади ва мазкур жамоа ҳўжалиги худудида бунёд этилган қишлоқ фуқаролар йиғинига "Даштаки Боло" номи берадилар. Уша вақтда "Даштаки Боло" қишлоғи "Ражабамин", "Қафтархона", "Чарғари", "Мўлиён", "Қумзор", "Шалғамон", "Маҳалла", "Қўшмасжид" ва "Қозикўрғон" маҳаллалари билан чегарадош бўлган. "Даштаки Боло" топоними қадимий номлардан бўлиб, ҳозирги кунда илгариги "Даштаки Боло" ва "Даштаки Поён" маҳаллаларида 11 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилиб келади.

Гулшода СИРОЧЕВА,
Регистон ансамбли экскурсоводи

Эзгу ишга бош қўшиб...

Ижодий
тўғарақларга
чорлов

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг Она юртига меҳр-муҳаббат руҳида тарбияланишида, ҳар томонлама етуқ, комил инсон бўлиб ўлгайишида маданият ва санъатнинг ўрни беқийс. Албатта, ижод кишини ҳаммаша эзгуликка етаклаган. Яъни гўзаллик қидирган қалб яхшилик, меҳр-оқибатга йўлдош бўлади.

Ана шундай эзгу ишга бош қўшиш ниятида Андижон вилояти Бўстонлиқ туманида очилган Маданият маркази ҳам санъатга меҳри баланд, ўзини ижод киши деб бил-

ган ёшларни ижодий тўғарақларига чорлайди.

Марказ тумандаги ҳар бир мактабда тарғибот учрашувларини ўтказиб, ўқувчи ёшларга тўғарақлар ҳақида маълумотлар бериб келмоқда. Маданият маскани жамоат фикрини янада ўзига тортиш мақсадида, замон талабини тўлиқ англаб, реклама ёриқларидан ҳам унумли фойдаланмоқда. Албатта, бу ўз самарасини берапти.

Хунар ҳар даврда киши қадрини баланд қилган. Айниқса, ижод билан шугуланиш ин-

сон боласининг ҳам моддий, ҳам маънан бой-ишига катта ҳисса қўшган. Бундан ташқари, гўзаллик, эзгулик учун асар яратишга бел боғлаган ҳар қандай шахс инсоний хислатларини, энг аввало, ўз қалбига танийди, улар билан ошно бўлади. Шундай экан, фарзандингизни ижодга яқин қилинг, санъатни танитинг. Шундагина комил инсон тарбияси учун яна бир қадам ташлайсиз. Бинобарин, энг гўзал зеб қалбдаги эзгу хислатлардир.

"Излар" изидан...



“Окс Александрияси” қаерда жойлашган?

Амударёнинг ўнг соҳили, Сурхондарё вилоятидаги Шўроб қишлоғидан 500 метр ғарбда Кампиртепа ёдгорлиги бор. У қалъа ҳамда ғарб ва шарқ томонда жойлашган, атрофи девор билан ўралмаган икки қисмдан иборат.

Ғарбдан шарқ томон умумий узунлиги 750 метр, шимолдан жанубга 200 – 250 метр чўзилган. Майдони 4 гектар бўлган қалъа арк ва турар жойлардан ташкил топган. Унинг атрофи қалинлиги 5 метр келадиган мустақкам мудофаа девори билан ўраб олинган. Деворга ички йўлақлар қилинган ва бурчакларига миноралар ўрнатилган бўлиб, ҳандақ билан ўралган.

Арк қалъанинг марказий қисмида жойлашган. Жануб томондан унинг бир қисмини сув ювиб кетган. Аркнинг майдони – 1,3 гектар, жанубий-шарқий бурчагида дарвозаси бўлган. У хом гиштили, қалинлиги 5 метрга яқин девор билан қуршаланган. Девор атрофи кенглиги 10 метрли ҳандақ билан ўраб олинган. Ички қисмида турли мақсадлар учун мўлжалланган хоналар бўлиб, улар ўзаро йўлақлар билан боғланган 4 та йирик блокти ташкил этади.

Кампиртепанинг мустақкамланмаган қисми асосан дафн иншоотлари мажмуаси билан банд. Унинг шимолий ғарби, яъни ярим гектарлик майдонда 10 та дафн иншооти жойлашган. Шарқий қисмида ҳам яна бир дафн иншооти бўлиб, унинг тархи тўртбурчак, шимолдан жануб томон узунлиги 66,5 метр, кенглиги 3 – 4,2 метр бўлган бир-биридан йўлақлар билан ажратилган учта бинодан иборат. Ёдгорлиқнинг шу қисмидан тархи айлана шаклда бўлган хумдон топилган.

Ундаги ҳаёт учта асосий даврга бўлинади:
Биринчи давр (милоддан аввал III-II асрлар) – Кампиртепанинг жанубий қисмида, бўлажак арк ўрнида қалъанинг вужудга келиши. Юнон-Бақтрия подшоғли даврига оид турар жойларнинг катта қисмини Амударё суви ювиб кетган.

Иккинчи давр (милоддан аввал II-I асрлар) – арк ўрнида ҳаёт қисман жонлана бошлаган.

Учинчи давр (милодий I-II асрлар) – Кампиртепанинг юксалган даври. Бунда мустақкам қалъа бунёд этилади ва тизим шаклланади.

Манзилгоҳдан кўплаб сопол идишлар, безак буюмлар, ҳайкалчалар топилган. Сурхондарёда жойлашган Кампиртепа ёдгорлиги кўпдан бери маълум. У 1972 йили очилган. Ёдгорлик 6-синф Ўзбекистон тарихи дарслигида, Қушон давлати ҳақидаги бўлимда тилга олинади.

Кампиртепани очган археолог Эдвард Ртвеладзедр. 1979 йилда Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси бошлаган археологик ишлар 1992 йилга давом этиб, гуруҳ ёдгорлиқнинг асосан Қушон подшоҳи Канишка II даврига оид (тахминан милодий 100 – 123 йиллар) қисмини ўрганган.

Юнон-Бақтрия даврига оид тангалар топилган шаҳарнинг жуда қадимий эканлигини кўрсатади. 1999 йилда ташкил этилган Тохаристон археологик экспедицияси 2000 йилдан бошлаб ёдгорлик-

нинг эллинистик даврга оид қисмини ўрганиб келмоқда. Бу тадқиқотлар давомида Кампиртепа милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярмида қурилган **фрурион** – мудофаа қалъаси эканлиги аниқланди. Кейинчалик қалъа меъмورчилиги ва вазифаси бир неча бор ўзгарилиб, Қушон даврида карвонларга хизмат кўрсатувчи боғжона ва савдо шаҳарчасига айланган.

Эллинистик давр деганда жаҳон тарихида Александр Македонский (милоддан аввалги 356 – 323 йиллар) истилоддан сўнг бошланган давр тушунилади. Македонскийнинг юришлари натижасида бирлаштирилган Европа жануби-шарқидан Ҳиндистонгача чўзилган хуудда ягона маданий ва сиёсий муҳит юзага келди. Бу ерда юнонлар хукмронлик қилиб, ўз маданиятини бошқа халқларга ҳам ёйган. Айни пайтда, ўзлари учун Шарқдан ҳам кўп нарсалар қабул қилган. Бу кўринишга глобаллашувнинг дастлабки мисоли деб қаралади.

Юнонлар кўплаб шаҳарлар, қалъалар ва истеҳкомлар қурдирган. Бу ишни Александрнинг ўзи бошлаб берган. У эгаллаган ерларини кўриқлаш ва юнонларни жойлаштириш учун қалъаю шаҳарлар қура бошлаган. Жумладан, Сирдарё бўйида форс подшоҳи Кир II (милоддан аввалги 559–530 йилларда ҳукм сурган) томонидан қурилган **“Кирес-хата”** қалъасини қайта тиклаб, **“Александрия Эс-хата”** деб номлагани айтилади (бу қалъа ҳозирги Хўжанд шаҳри ўрнида бўлгани тахмин қилинади).

Шунингдек, Македонскийдан сўнг ҳокимиятга келган Селевкидлар сулоласи вакилларида бири Антиох II (милоддан аввалги 324–261 йиллар) Амударё бўйида **“Антиохия Тармитта”** шаҳрини қурган. Манзил харобалари **“Эски Термиз”** деб номланади. Манбаларда, шунингдек, Александр Македонский Амударё бўйида **“Окс Александрияси”** номи шаҳар (ёки қалъа) қурдиргани келтирилади.

Маълумки, 2019 йилнинг 22 – 27 август кунлари Тошкент, Термиз ва Самарқанд шаҳарларида **“Ўзбекистон – буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империя, дин, маданият”** маданий мерос ҳафталиги бўлиб ўтди. Ушбу ҳафталик доирасида 24-25 август кунлари Термиз шаҳрида **“Ўзбекистон – цивилизациялар чорраҳаси”** номи халқаро археология форуми ташкил этилди.

Ҳафталик иштирокчиларига академик Э.Ртвеладзе бошчилигидаги нуфузли ўзбек олимлари томонидан сўнгги йилларда олиб борилган ишлар натижалари илк бор айнан шу ерда эълон қилинди. Кўп йиллар давомида илмий жамоатчилик вакиллари **“Оксиана Искандарияси”** (Александрия) харобалари, Манзил, Ой-Хонумдами ёки Кампиртепада” деган савол атрофида мунозара олиб боришган.

Конгресс давомида жаҳон илм-фан ҳамжамияти, жамоатчилик ва ОАВ вақаларида қадимий грек тарихчиси ва географи Птолемей асарларида ёдга олинган ва эллинистик маданиятнинг Марказий Осиёдаги гаройиб ёдгорлиги саналган афсо-

навий **“Оксиана Искандарияси”** Кампиртепа шаҳарчаси экани борасидаги кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган маълумотлар келтирилди.

Ушбу тахминни тасдиқловчи археологик маълумотлар орасида, энг аввало, Окс бўйлаб ғарбдан шарққа 400 метрдан ортиқ масофага чўзилган порт-шаҳар ўлчамлари, шунингдек, мустақкам фрурион – эшикли, кўча ва ибодатхонага эга, (қурбонликлар, муқаддас нарсаларни сақлаш жойи), маёқли портни ўз ичига олган некропол ва бандаргоҳ, ривожланган шаҳарсозлик тузилмаси, савдо нуқталари ва хунармандлар устaxonаларидан иборат кема-лар тўхтайдиган жой алоҳида аҳамият касб этади.


Олимлар томонидан уч шаҳарча – **“Ой-Хоним”**, **“Эски Термиз”** ва **“Кампиртепа”**нинг таҳлил этилган маълумотлари шуни кўрсатадики, фақат Кампиртепадагина иккита шаҳардан фарқли равишда, македониялик Искандарнинг милоддан аввалги 329 – 327 йилларда майдони ўлчамлари бўйича катта, ривожланган шаҳарсозлик тузилмасига, кудратли истеҳкомлар ва капитал иншоотларга эга **“Трансоксиана”** га юриши ҳақида гувоҳлик берувчи ишончли материаллар олинган. Бу афсонавий **“Оксиана Искандарияси”** экани эҳтимоли бор.

Археологлар бу ердан илк эллинистик, Грек-Бақтрия ва Қушон-Юечжи даврига тегишли яхши сақланган маданий қатламлари топилган. Кўп сонли топилмалар **“Кампиртепа”**да бир неча асрлар давомида турли маданият ва динлар мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради. Бу ерда зардуштийлар, буддавийлар, мабукусийлар, шунингдек, бошқа маҳаллий дин вакиллари яшаган.

Халқаро форум доирасида халқ орасида Кампиртепа деб ном олган Ўзбекистон хуудидидаги энг қадимги археологик ёдгорликда академик Э.Ртвеладзе бошлиғида амалга оширилган тадқиқотлар натижалари эълон қилинди. Бу ёдгорлик Амударё (қадимги Окс) ўзанида милоддан аввалги III аср охирида қурилган ва милодий II аср бошларигача фаолият кўрсатган порт шаҳар – **“Оксиана Искандарияси”** (Александрия) харобалари. Мазкур қадимий шаҳарча Юнон тарихчиси ва Географи Птолемей асарларида тилга олинган Марказий Осиёдаги эллинистик маданиятнинг ноёб ёдгорлиги, Александр Македонский томонидан бунёд этилган **“Оксиана Искандарияси”**нинг ўзи эканлиги илмий асосланмоқда.

Тасдиқланган археологик маълумотларга кўра, бу ерда ғарбдан шарқ томон яхши ривожланган шаҳарсозлик тузилмаси мавжуд. Қалъа дарвозалари, муқаддас ибодатхона, хазина сақлаш жойи, қабристон, шунингдек, бандаргоҳлар, савдо нуқталари ҳамда хунармандчилик устaxonалари, кема-лар тўхтайдиган кўрфазлар борлиги, бу афсонавий **“Оксиана Искандарияси”**нинг худди ўзи эканидан далolatдир.

Қалъа зовур билан ўралган. Асосий кўрғон минорали деворлар билан айланасига қурилган



“қуйи шаҳар” ва мустақкамланмаган шаҳар атрофидан иборат.

Жаҳон тарихчилигида **“Окс Александрияси”** локализацияси бўйича икки асосий тахмин мавжуд:

- 1) **“Окс Александрияси”** кейинчалик Антиох I томонидан қайта қурилиб, **“Антиохия Тармитта”** деб номланган, яъни бу иккиси бир шаҳардир. Агар бу тахмин рост бўлса, унинг харобалари **“Эски Термиз”** ёдгорлигида жойлашган (Термиз шаҳри яқинида);
- 2) Афғонистоннинг Тахор вилоятида, Амударёнинг жанубий соҳилида **“Ойхоним”** ёдгорлиги аниқланган. 1965 – 1978 йиллар орасида Француз археологик экспедицияси олиб борган қазилма ишлари давомида у ерда йирик эллинистик шаҳар очилган. Ҳозир кўп тарихчилар **“Ойхоним”**ни **“Окс Александрияси”** харобалари деб билади.

Ртвеладзе брошюрасининг иккинчи қисмида **“Окс Александрияси”** ҳақидаги версияларни кўриб чиқади ва **“Ойхоним”** ва **“Эски Термиз”** версияларига қарши қуйидаги аргументларни келтиради:

- 1) Юнон географи Клавдий Птолемейнинг хариталарида **“Окс Александрияси”** Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган, **“Ойхоним”** эса дарёнинг чап қирғоғида;
- 2) **“Ойхоним”**даги иншоотлар квадрат шаклидаги хом гишдан қурилган, улар минтақада милоддан аввалги III аср ўрталари, яъни Александр Македонскийдан 80 йил кейин урфа кирган;
- 3) Икки ёдгорликдан ҳам Александр Македонский даврига оид археологик қатламлар аниқланмаган.

Ртвеладзе ўз назариясини ҳимоя қилиб, қуйидаги далиллارни келтиради:

- 1) **“Ойхоним”** ва **“Эски Термиз”**дан фарқли равишда, Кампиртепа Александр Македонский даврида қурилганини у ёки бу даражада кўрсатувчи далиллар бор. Қарқалай, қалъага милоддан аввалги II аср иккинчи ярмида асос солинган;
- 2) Македонский томонидан Амударё бўйида қурилган битта фрурион – қалъа ҳақида маълумот бор – **“Окс Александрияси”**. Кампиртепа ўша қалъа бўлса керак.

Аммо уни рад этадиган далиллар бор. Аввало, гап юқорида кўриб чиқилган меъмورчилик ҳақида келмоқда. Александр даврида юнонлар бундай қалъа қурганига ишонилиш қийин. Боз устига, бу айнан **“Окс Александрияси”** эмас, ўша даврда, ҳатто юнонлардан ҳимояланиш мақсадида қурилган кўрғон бўлиши мумкин. Энг муҳими мана шунда.

Ртвеладзенинг ўзи ҳам комил ишонч билан Кампиртепа аниқ ўша қалъа деб ёзмайди. “Афғидан, шу бўлса керак”, дейди. Тарихчиликда, айниқса, ёзма манбалар қамлиги боис 100 фоизлик ишонч билан бундай хулоса қилиш деярли имконсиз.

Г.БЕРДИЕВА,

“Термиз” давлат музей-қўриқхонаси
илмий ходими

Ижодий учрашув

Келажагимиз – ўз қўлимизда

Ёш авлоднинг она юртва меҳр-муҳаббат руҳида тарбия топиши, ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб улғайишида маданият ва санъатнинг ўрни беқиёс. Мухтарам Президентимиз илгари сурган 5 та муҳим ташаббусдан бирида бунга алоҳида урғу берилган. Жумладан, ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида йўналтирилган.

Жорий йилнинг 31 март куни Фарғона вилояти Бувайда тумани Маданият бўлими тасарруфидаги Марказий маданият марказида аҳоли ва ёшларнинг бўш

вақтини мазмунли ўтказиш учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Яхёбек Мўминон билан "Келажагимиз – ўз қўлимизда" мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда туманнинг маданият бўлими раҳбари М.Махмудова, Ёшлар иттифоқи туман бўлими раҳбари А.Йўлчиев, Ёшлар агентлиги мутахассиси М.Хамидова ҳамда уюшмаган аҳоли ва ёшлар иштирок этдилар. Тадбирга Марказий маданият маркази қошидаги "Табассум" ашула ва ракс халқ ансамбли бадий раҳбари Я.Мўминон ижро этган куй-қўшиқлар ўзгача шухук бағишладди.



Хотира



Жаҳонни забт этган Тамарахоним

"Мурувват" ижодий гуруҳи томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида театр, кўшиқчилик, хореография санъати ривожига катта ҳисса қўшган устоз санъаткор Тамарахоним таваллудининг 115 йиллигига бағишланган хотира кечаси ташкил этилди.

Унда санъатшунослар, хореография санъати усталари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Халқимиз хануз Тамарахоним ижодини юксак қадрлайди. Унинг чашмадек тиник овози, бетакрор рақслари, миллий санъатимизни мукамал тарзда мухлисларга тақдим этгани нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилган.

Тамарахонимдаги завқ ва жўшқинлик, касбига бўлган фидойилик, меҳнатсеварлик ва истеъод кўп йиллар давомида унга катта ҳурмат ва шараф олиб келган. 1935 йил Лондонда бўлиб ўтган халқаро фестивалда Британия кирилчисианин шаҳсан ўзи унга санъатга қўшган ҳиссаси учун мукофот топширган. Бу устоз санъаткор истеъодли олис-олисларда ҳам юқори эътироф этилганининг амалий тасдиғидир.

Маърифий кечادا сўнмас ижодкорнинг ҳаёт йўли, фаолияти, келажак авлодга қолдирган меросининг аҳамияти хусусида атрофича сўз юритилди. Тарихий фильмлардан лавҳалар намойиш этилди.

Санъат давомчилари



Республика босқичига йўлланма

Миллий эстрада санъатимиз асосчиларидан бири, замонавий ўзбек маданиятини дунё миқёсида кенг тарғиб этишга катта ҳисса қўшган буюк санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида Пойтахтимиздаги 1-болалар мусика ва санъат мактабида "Ботир Зокиров санъати давомчилари" республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар саралаш босқичи ўтказилди.

Унда барча туманлардан жами 36 нафар энг кучли иштирокчилар қатнашиб, ўз иқтидорларини намойиш этишди. Ҳакамлар ҳайъати тавсияси билан 5 нафар ғолиб республика финал босқичига йўллангани кўлга киритди.

Музейдаги табиат

Қора калхат

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг кўرғазма залларида табиат бўлими ҳам мавжуд бўлиб, унда водий флора ва фаунасининг ўзига хослиги ҳамда турли ландшафт кўринишларга дуч келиш мумкин. Улар орасида кўллаб қушлар қатори қора калхат (*milvus migrans*)ни ҳам учратасиз.



Водийда қирғйсимонлар оиласига мансуб қора калхат бошқа йиртқич қушларга нисбатан кўп тарқалган. Уни учиб бораётганида бошқа йиртқич қушлардан айри думига қараб осон ажратиш мумкин. Четки рўл патлари ўртадагиларидан узунроқ бўлиб, учганда ва ўтирганда кесилгандек кўриниб туради. Тез-тез қанот қоқиб, айлана шаклини чиқиш ҳосил қилиб учади. Овози жарангдор, хуштак товушини эслатади. Айрим ҳолларда тез-тез "ки-ки-ки" деган паст овоз ҳам чиқаради.

Қора калхат Ўзбекистонга март ойининг биринчи ўн кунлигига учиб кела бошлайди. Фарғонанинг тоғ олди ҳудудларига, Сирдарё бўйларидаги тўқайларга, сув ва дарахт кўп бўлган текисликларга март ойи охирида келади.

Йиртқич қушларнинг бу тури уялаб, жўжа очиб учун доимий бир жойга эҳтиёж сезади ва бу алаббатта сув яқинида ҳамда озиқ-овқат мўлроқ жой бўлиши керак. Ёзда уялаш ҳудудларида жуфт ҳосил қилишга улгурмаган индивидлар ўзаро кичик-кичик галаларни ҳосил қилиб, учиб юришади. Бундай галаларда 30тагача калхат бўлиб, улар орасида вояга етган ва етмаганлари, жуфтдан айрилганлари учрайди. Уя қуриш давридаги ўйинлар қушларнинг самода бир хил шаклда учушидан бошланади. Ушбу жараёнда уялар кўпинча гуруҳ ҳолатда жойлашади. Жуфтликларнинг уялаш майдони жуда кучсиз чегараланган ёки умуман чегараланмаган бўлади. Баъзан уларнинг уяларини загизгонлар уялайдиган жойларда ҳам кўриш мумкин (Бешарик, Сирдарё бўйидаги тўқайзорлар).

Бу қушлар апрелдан бошлаб ин кура бошлайди. Кўпинча эски инларини тўзатади. Янги уя қуриш ёки эскисидан фойдаланиш – учиб келиш муддатига боғлиқ. Қора калхатлар инларини одатда дарахтларга, жумладан, тоғ, терак, тўрангил каби бўйи 10 метр атрофидаги, камдан-кам ҳолларда эса қоялар (Наманган, Чодак)га қуради. Уя ўлчами турлича бўлиб, ўртача диаметри 50 – 70 см, баландлиги 30-40 см атрофида. Шунингдек, унчалик чуқур бўлмайди. Улар уясига турли хил латталар, овқат қолдиқлари, қуриган от гўнги, қоғоз парчалари ва қуруқ ўтларни ташийди. Уя қуриш жараёни иннинг катта-кичиклигига қараб ҳар хил вақтда яқунланади: 20 – 31наргелча давом этади.

Ин бузилиб қолса, қайтадан қуради. Жараён тугагач, 1-2 кун фарқи билан уясига биринчи тухумни қўяди. Тухумларини кўйиш орасидаги вақт 2-3 кунни ташкил қилади ва улар сони одатда 4та бўлади. Кам ҳолларда 1-2тагача тухум кўйиши мумкин.

Тухум босиш биринчисини қўйган вақтдан бошланади. Маз-

кур жараёнда эркакнинг роли у қадар катта аҳамиятга эга эмас, ургочи тухумларини 26 кун босиб ётади. Полапонларини май охири ва июнь бошларида очиб чиқади. Кўп ҳолларда тухумларининг биттасидан полапон чиқмайди. Ёриб чиқиш жараёнида ургочи қуш полапонларининг тухум пўчоғидан халос бўлишига ёрдам беради. Бу ҳам 2-3 кун давом этади. Кўпинча энг охири очиб чиққан полапон нобуд бўлади. Полапонлар 24-25 кунда пат чиқаради. 6 ҳафталик бўлганида эса биринчи марта уясидан учиб чиқади.

Калхатлар овқат танламайди, ўлаксалар, қушхона қолдиқлари билан озиқланади. Кўпинча кемирувчилар, кўнғизлар, чигирткалар, баъзан қушларни тутиб ейди. Бундай қушлар йирик сув ҳавзаларида, оқова сувлар қуйиладиган ҳудудларда ҳам кўллаб учрайди. Чунки у ердан чала ўлик балиқларни топиш анча осон.

Фарғона водийси шароитида калхатларнинг айрим жуфтлари кўллар атрофида балиқ овидан қолиб кетганлари билан озиқланади. Фаол ҳужум қилиш бу қуш турига хос эмас, чунки уларнинг панжалари кучсиз, тирноқлари калта. Бу тузиллиш туфайли улар майдароқ жонворларгагина ҳужум қила олади. Учиш усули ва ўлжа излаши билан калхатлар ҳақиқий ўлаксахўр тасқараларга яқин туради. Калхат яхши парвоз қилади. Узун қанотлари ва кенг думи ҳисобига тана оғирлигини осон кўтарди. Тахминан 70 – 100 метр баландликда секин-аста учиб, ов қилади.

Калхатлар ов қилишда уясидан 3-4 км узоқлашиб кетади. Шу боис уларнинг ов қилиш ҳудудини аниқ чегаралаб бўлмайди. Уларнинг ов қилиш фаоллиги кўёш чиқиши билан бошланади, кун ўртасида дам олади ва кечки соат 16-17ларда яна фаоллашади. Фарғона водийсидаги калхатларнинг учиб кетиши август охири сентябрь бошларига тўғри келади. Улар Марказий Африка ва Осиё жанубида қишлайди.

Кўп ҳолларда санитарлик ва кишлоқ ҳўжалиги учун зараркунада ҳисобланган ҳайвонлар билан озиқлангани учун калхатларни фойдали қушлар қаторига киритиш мумкин. Шунинг учун бу қушни муҳофаза қилишимиз ва асрашимиз даркор. Дунё бўйича уларнинг популяциялари анча қисқариб бораётгани сабабли бу қушни асраб қолиш мақсадида СИТЕС (йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги Конвенция)нинг II иловасига киритилган.

Г.ОРТИКОВА,
Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

<p>МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p>	<p>Нашр учун масъул: Ш.Исроилова Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева Навбатчи: Н. Содиқова Адади - 7715 Буюртма - Г - 417 Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок</p>	<p>Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 23.30 Топширилди - 23.00 1 2 3 4 5 6</p>
	<p>МуАССИС: "Dildosh media" МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик</p>	<p>Бош муҳаррир Дилбоҳар Худойбердиева Тахрирот манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p>	<p>Тахририятга келган кўлёмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. "Маданият" материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.